



# AGROTEHNIKA

## ДҮПЧОСЫ

#07 (08) июль  
2018 ийл

ISSN 2181-9173

МИР АГРОТЕХНИКИ



## «JOHN DEERE»: Агромашинасозлик яловбардори



6 ТАЪЛИМ  
ва АМАЛИЁТ



9 Занжирли трактор:  
техник талаблар



36 СОВЕТЫ: КАК  
ВЫБРАТЬ КОСИЛКУ?

ПРОЕКТ КОНЦЕПЦИИ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛИ 21

## ТАҲРИР КЕНГАШИ

### ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ:

**Абдуҳалил РАШИДОВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ  
бошқарув раисининг биринчи ўринbosари

### ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ:

**Рафиқ МАТЧАНОВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси маслаҳатчиси,  
техника фанлари доктори, профессор

### КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ:

**Азмиддин САДРИДДИНОВ** ..... Тошкент Давлат техника университети профессори,  
техника фанлари доктори, академик

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ** ..... техника фанлари доктори, профессор

**Баҳодир МИРЗАЕВ** ..... Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислик институти проректори, техника  
фанлари доктори

**Ашраф МУҲАМАДИЕВ** ..... техника фанлари доктори, профессор

**Анвар РИЗАЕВ** ..... Ўзбекистон фанлар академияси Механика ва иншоатлар  
сейсмик мустаҳкамлиги институти Баш илмий ходими,  
техника фанлари доктори, профессор

**Бахтиёр ШАЙМАРДОНОВ** ..... Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини  
давлат синовидан ўтказиш маркази Баш директори,  
техника фанлари доктори, профессор

**Азамат ЮЛДАШЕВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси ўринbosари,  
“Ўзагротехмаш” АЖ Баш директори

**Анвар САТТАРОВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси ўринbosари,  
“Ўзагролизинг” АЖ Баш директори

**Исройл УСМОНОВ** ..... “Қишлоқ хўжалик машинасозлиги конструкторлик-технологик  
маркази” МЧЖ директори ўринbosари

**Шерзод МАҲМУДОВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ  
ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи

**Паҳриддин ХОЖИЕВ** ..... “Ўзагролизинг” АЖ Баш ҳуқуқшуноси

**Анвар ПИРМАТОВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ акциядорлар билан  
корпоратив муносабатлар бўлими бош мутахассиси

## МУНДАРИЖА

Ҳамкорлик




Нодир МАҲМУДОВ  
Имкониятлар водийси

Вазиятга назар



Қувондиқ ТАШПҮЛАТОВ,  
Ботир МИРНИГМАТОВ  
Сифатли таълим  
ва самараали амалиёт –  
етук мутахассис  
тайёрлашнинг гарови

Бозор тамойиллари



Олим ЭРГАШЕВ  
Оддийликдан – мураккабликка.  
Агромашинасозлик  
яловбардори

3

Таҳдил



Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,  
Исомиддин ТЎЛНОВ

Таъмирдан чиқарилган  
занжирли трактор:  
техник талаблар

9

Ақл чархи



Таассурот ва тафсилот

Хабарингиз борми?

13



Имтиёзлар самара келтиради  
Трактор ишлаб чиқарувчи яна  
бир корхона

6

ҲАДИСлардан қайдлар

8

Саломатлик

Овқатланиш ва мижоз  
Табиб ҳақида ривоят

Донолар бисотидан

Дод эмас, Дилшод!

Ҳажвия

Эркин ВОХИДОВ

Матмусанинг қишлоғи

Матмусанинг чархпалаги

Матмусанинг тандири

Матмусанинг уйланиши

Кулгууром

Ҳар соҳадан бир шингил

47

21

## СОДЕРЖАНИЕ

Актуально

Рафик МАТЧАНОВ

О разработке концепции  
развития отечественного  
сельхозмашиностроения

Проект

КОНЦЕПЦИЯ  
развития сельскохозяйственного  
машиностроения Республики  
Узбекистан на 2018–2020 годы.

Стандарты

28



Рахмат МИРСАИДОВ,  
Султонали МАМАДЖАНОВ

К разработке методов  
испытания  
хлопкоуборочной машины

32

Новости брендов  
«Meusburger» выпустил новый  
зерновоз


Будущий дизайн «John Deere»  
ХТЗ: перезагрузка

Torion Sinus CLAAS - новые  
модели

Вкус победы: итоги конкурса  
инновационной техники

Наука и техника

32



Рафик МАТЧАНОВ,  
Азамат ЮЛДАШЕВ, Сергей ВОИНОВ

Исследование качества обра-  
ботки растений хлопчатника  
опрыскивателем с двойным  
соплом

Техника XXI века: Беспилотники

35

Советы специалистов

Коси коса



36

Высокие технологии

39

Все выше, выше, и выше...

40

Психология бизнеса

40

Управление персоналом

44

Это интересно

44

Калейдоскоп, Юмор

45

Ҳамкорлик



# ИМКОНИЯТЛАР ВОДИЙСИ

**Сўнгги вақтларда Ўзбекистон-Тожикистон ўзаро алоқаларида улкан ўзгаришлар кузатилмоқда, халқларимиз ўртасидаги қадриятлар, борди-келдилар янгича мазмун касб эта бошлади. Азалий дўстлик абадий дўстликка айланди. Икки давлат**

**Президентларининг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилаётган ишлар халқларимиз учун узок кутилган лаҳзаларни тақдим этмоқда. Шу йилning 1 март санасида ортиқча расмиятчиликлар бекор қилинди. Бир-бiri билан қон-қардош, қуда-андা бўлиб кетган ён қўшни – жон қўшнилар эндиликда ҳеч бир ортиқча тўсиқ ва оворагарчиликларсиз борди-келди қилишадиган бўлишди.**

**Б**екобод шаҳри билан Сўғд вилоятини бир ариқ ва бир тепалик ажратиб туради, холос. Бир пайтлар бу икки ҳудуднинг ҳатто бозори ҳам, мозори ҳам бир бўлган. Қуда-андা, қариндошлилик ришталари эса бир неча асрларга бориб тақалади. Хўжанд шаҳрида ҳар йили ташкил этиладиган Халқаро савдо ярмаркасида иштирок этиш учун мутасаддилар ўзбекистонлик бир қатор журналистлар қатори каминани ҳам таклиф этишди. Белгиланган куни Бекобод шаҳри ва Сўғд вилояти чегарасидан ҳеч бир тўсикларсиз, айтиш мумкинки, бир зумда ўтиб олдик. Ҳаёлимда “роса овора

бўламиз, текшириб хунобимизни чиқаришса керак” деган ўй кечганидан ҳижолат ҳам бўлдим.

– Яратганга шукр, чегара постидаги қулайликлардан фойдаланиб, Ўратепага икки маротаба бориб келдим, – дейди меҳнат фаҳрийси Ҳабибулло Нуриллаев. – Постдан ўтиш жараёнида ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмадим. Ҳар икки томон назоратчилари хушмуомалалик ва ўзига хос тавозеъ билан кузатиб кўйишиди. Икки нафар келиним – Тожикистондан. Улар ота-оналарини кўриб келишга жуда қийналарди. Мана, энди бемалол бориб келишяпти. Қудаларим

ҳам тез-тез келиб турадиган бўлишди. Бундан жуда хурсандман, бошим осмонда.

Албатта, чегара постига яқин бўлган худуддан ўтар экансиз, бундай миннатдорчилик сўзларига, одамлардаги розиллик кайфиятига кўп бора дуч келиш мумкин. Улар бугунги ўзгаришлардан, кечаётган воқеалардан доимо хабардор. Уларнинг хурсандчиликлари шундоқ юз-кўзларидан билиниб турибида.

Сўғд вилояти маркази Хўжанд шаҳри ўзининг чиройли безатилган кўчалари, сўлим табиати, дилкаш ва меҳнаткаш одамлари билан йирик анжуман иштирокчиларини қизғин кутлаганча кутиб олди. Кўхна тарихга эга Хўжанд шаҳри Фарғона водийси ва Буюк Ипак йўленинг ажралмас қисми саналади. Умуман, мамлакатнинг энг йирик худуди – Сўғд вилояти Тожикистон иқтисодий-ижтимой-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Вилоятнинг ишлаб чиқариш салоҳияти улкан. Буни “Сўғд вилояти – имкониятлар водийси” шиори остида бўлиб ўтган “Сўғд 2018” – V Халқаро савдо ярмаркаси яна бир бор кўрсатиб берди.

Халқаро тадбирда Тожикистон ва хорижий давлатлар тадбиркорлари ўзаро ўнлаб савдо-ҳамкорлик шартномаларини имзолашди. Икки кун давом этган мазкур ярмаркада дунёning 10 дан ортиқ мамлакатидан келган 200 нафардан ортиқ тадбиркорлар иштирок этди. Савдо ярмаркасининг очилиш маросимида нутқ сўзлар экан, Сўғд вилояти раиси Ражаббой Аҳмадзода барча иштирокчиларга омад тилаб, бундай халқаро тадбирлар давлатлараро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

— Ярмаркани ташкил этишдан асосий мақсад халқаро савдони тарақкий эттириш, четга товар чиқаришни кўпайтириш, узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар билан икки томонлама фойдали алоқаларни йўлга қўйиш, инвесторлар маблағларини жалб этиш ва замонавий технологияларни киритишдан иборатdir, — деди Р.Аҳмадзода. — Бу ярмарка аллақачон давлатлар орасида нуфузга эга бўлиб, борган сайин анъанавий тус олиб бормоқда ва нафақат Сўғд вилоятининг, балки бутун мамлакат иқтисодий ҳаётининг ажralмас қисмига айланиб улгурди.



Тадбирнинг очилиш маросимида иштирокчи давлатларнинг минтақалардаги вакиллари, дипломатик ва савдо корпушлар вакиллари ҳамда халқаро ташкилотлар мутасаддилари ҳам иштирок этдилар.

— Ўтган йили илк бор ўзбекис-

тонлик ишбилармонлар ҳам 32 та тадбиркорлик субъекти билан мазкур ярмаркада иштирокларини бошлаган эдилар, — деди биз билан сұхбатда Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят бошқарма бошлиғининг ўринбосари Дилшод Менглиев. — Бу йил эса Хўжандда ўз маҳсулотларини намойиш этишини истаган корхоналар сони 40 тадан ошди. Тадбиркорларимиз томонидан электротехника воситалари, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, трикотаж, косметика, полимер маҳсулотлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, муқобил манбалардан фойдаланган



ховат” бозорида ўзбекистонлик тадбиркорларнинг маҳсулотларини сотиш ташкил қилинган.

— Бизнинг корхонамиз 2008 йилда фаолият бошлаган ва замонавий, юқори сифатли қадоқлаш AD\*STAR қоп маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихти-



холда электр энергия ишлаб чиқарувчи технологик ускуналар намойиш этилди. Ярмарка жараёнида икки қўшни мамлакат тадбиркорлари томонидан жами 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномалари имзоланди.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида ўзаро алоқаларда мисли кўрилмаган ривожланиш кузатилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида Хўжанд шаҳрида “Ўзбекистон савдо уйи” ташкил этилиб, “Са-

сослашган, — дейди “UzPolitek Holding” тиҷорат директори Бегзод Воисов. — Мазкур қоплар асосан цемент, гипс ва бошқа шу каби қурилиш материалларини қадоқлашда зарур маҳсулот ҳисобланади. Тожикистондаги кўргазмада иштирок этишимиз бизга ҳамкорлик борасида янги имкониятлар эшигини очишига ишонамиз.

Халқаро ярмарка кунлари ўзбекистонлик ишбилармонларнинг стендлари харидорлар билан гавжум бўлди. Умуман

**2017 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 240 миллион долларни ташкил этди. Бу охириги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткичdir. Бугун мамлакатимизда тожикистонлик сармоядорлар иштироқида тузилган 25 корхона фаолият кўрсатмоқда.**

**Икки мамлакат ўртасида автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатнови йўналишлари қайта тикланди. Апрель ойида Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатнов ўйла қўйилди.**

олгандаги, маҳаллий корхоналар, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари билан қатнашган бўлса, ҳамюрларимиз саноат маҳсуз

Тадбир давомида бир қатор ишбилиармонлик форум ва конференциялари, жумладан, “Фаргона водийси – мева-сабзавотларининг янги бозорларга чиқиш истиқболлари, анъана ва имкониятлар” мавзууда ишбилиармонлар форуми, “Фаргона водийсида умумий туризм йўналишида лойиҳалар” ҳамда Сўғд вилоятининг инвестицион салоҳиятига бағишлиланган тақдимотлар ўтказилди.

Самарали кечган сафаримиз давомида кўплаб яхши инсон-



лотларини намойиш этишиди ва стендуаримиз барчада бирдек қизиқиши ўйғотди.

– Жамиятимиз мамлакатимизда етиширилган пахтадан тайёрланган матоларни Ҳиндистондан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида қайта ишлайдиган иирик мажмууга эга, – дейди Самарқанд вилоятида фаолият юритувчи “NurSam-Tex” МЧЖ директори Соғиржон Ҳафизов. – Турли ўлчамлардаги матоларни бўяш, ранг ва жило бериш, ўзига хос гул безакларини босиш билан шуғулланамиз. Кунига 30 минг метр атрофида газламага ишлов берамиз. Ургут шаҳрида истиқомат қиласидаги 60 нафар кишини иш билан таъминлаганмиз. Маҳсулотларимиз Россия ва Қозогистонга экспорт қилинади. Бугун Тожикистон бозорига ҳам кириб, ўз харидорларимизни топиш сари дастлабки қадамни қўйдик.

лар билан танишдик, дўстлашдик. Россиялик, қозогистонлик, тоҷикистонлик ҳамкасларимиз билан ҳамжихатлика ишладик. Ўзаро фикр, тажриба алмашдик, самимий муносабат, юксак меҳмондўстликка гувоҳ бўлдик.

– Ўтмишибирнечамингийлликларга бориб тақаладиган ўзбек ва тоҷик ҳалқларининг кўпчилик ҳавас билан қарайдиган ажойиб тархи бор, – деди ўзбек тилида чоп этиладиган “Сўғд ҳақиқати” вилоят газетасининг журналисти Облоқул Мусоев. – Қолаверса, маданият, адабиёт ва санъат бобида доимо улар бир-бирини тўлдириб келган. Жомий ва Навоий,Faфур Ғулом ва Мирзо



Турсунзода, Абдулла Орипов ва Лойиқ Шералининг дўстлиги, эл севган ҳофизлар Шерали Жўраев ва Жўрабек Муродовларнинг ҳамиша жўровоз бўлиб куйлаб келаётгани ҳақида китоблар битилса, арзиди.

Ҳар қанча тақрор бўлмасин, яна айтамиз, Ўзбекистон билан Тоҷикистонни умумий тарих, узвий маънавий қадриятлар боғлаб туради. Икки ҳалқ азалдан бир дарёдан сув ичган, қариндошлиқ ришталари билан боғланган. Бизни икки тилда гаплашувчи бир ҳалқ дейишида. Азалий қўшничилик ва ўзаро ҳурмат анъаналари икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қиласи.

**Нодир МАҲМУДОВ,**  
Тошкент-Хўжанд-Тошкент.



**Юртимида тоҷик миллатига мансуб қарийб 1,5 миллион фуқаро истиқомат қиласи. Мамлакатимизнинг 10 ҳудудида тоҷик миллий маданият марказлари фаолият юритмоқда. Самарқанд, Термиз, Фарғона давлат университетларида тоҷик тилида машғулотлар олиб борилади.**

Вазиятга назар

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА САМАРАЛИ АМАЛИЁТ - етук мутахассис тайёрлашнинг гарови

Ҳар қандай назарий билимни мустаҳкамлашда амалиётнинг ўрни катта. Шунинг учун ҳам ўқув даргоҳларида назария билан амалиёт бирдек олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомилаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 5 июнь санасидаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли испоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларидан келиб чиқиб, бугун олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ташкил этишни, уларнинг ишлаб чиқариш малака-

вий амалиётлари билан узвийлигини таъминлашга қаратилган қарашларни тубдан ўзгартиш замон талабидир.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тегишли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти хақидаги Низом” ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚҲММИ) 2017/2018 ўқув йили жадвалига асосан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабалари “Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси” АЖ ишлаб чиқариш цехларида амалиёт ўтадилар.

Аввалига “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультети “Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш” таълим йўналиши 2-босқич талабалари учун “Конструкцион материаллар технологияси” уч ҳафталик ўқув амалиёти ташкил этилди.

Ўқув режасининг навбатдаги босқичига кўра эса “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” таълим йўналиши 2-босқич талабалари учун “Умумтехник фанлар” амалиёти ҳам ниҳоясига етди.

“Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси” АЖ уста ва мутахассислари талabalарнинг касб сирларини ўрганиши, келгусида етук кадр бўлиб етишишлари учун барча шароитларни яратиб берилишини таъминладилар.





– Кўп йиллик тарихга эга ТИҚҲММИ “Умумтехник фанлар” кафедраси ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти таркибига кирувчи ташкилотлар ўртасидаги ишончли алоқалар самараси натижасида талабалар ривожланган мамлакатларнинг энг илғор технологиялари билан жиҳозланган ҳамда бутунлай янгиланган замонавий дастгоҳ ва қурилмалар ўрнатилган цехларда ўз соҳасининг етук мутахассисларидан малакавий кўникра олиш имкониятига эга бўлдилар, – дейди “УТФ” кафедраси мудири Ҳасан Туркменов. – Ўқув жараёнларида ўзининг хулқи ва билими билан бошқаларга ўрнак бўлаётган Маҳмуд Қутлимуродов, Исрофил Ҳамдамов, Мирзукур Мирзараҳимов, Дилшод Абдураззоқов, Даурбек Жаҳонгиров каби илғор талабаларимиз ишлаб чиқариш амалиёти даврида ҳам барчага намуна кўрсатдилар.

Давлатимизнинг ривожланишида муҳим ўрин тутадиган қишлоқ хўжалиги техникаларини йиғиш жараённада иштирок этиш, инновацион технологияларни бошқаришда иштирок этиш ҳар бир талабада миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ўйғотиши, табиий. Самарали амалиёт талабаларимизнинг олий таълим муассасасини муваффақиятли яқунлагандан сўнг ўз мутахассислиги бўйича изчил изланишлар олиб бориш, соҳани ривожлантиришга ҳисса кўшиш йўлида тамал тоши бўлиб хизмат қиласди.

Амалиёт давомида “Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси” АЖнинг ююри малакали усталари Ражаббой Мамараимов, Андрей Стеценко, Икром Сафарбоев, Камол Суюнов каби устозлар талаба-

ларга мутахассислик сирларини ўргатиш баробарида, техника хавфисизлиги, замонавий техника ва технология янгиликлари ҳақида тушунчалар бердилар.

“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ Маркетинг бўлими бошлиғи Азиз Алимов, Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Салоҳиддин Турсунмуродов, “Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси” АЖ Бош директори ўринbosари Шавкат Бойметов сингари ТИҚҲММИ битирувчилари тизим ишлаб чиқариш жараённада фаол фоилият юритаётганлиги бизда алоҳида фахр туйғусини ўйғотади.

Институт раҳбарияти ва “Умумтехник фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчилари жамоаси “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти мутасаддилари ва аҳил жамоасига самимий миннатдорчилик изҳор этиб, самарали алоқаларимиз узоқ вақтлар давом этишига умид қилиб қолади.

■ **Қувондиқ ТАШПУЛАТОВ,**  
ТИҚҲММИ “УТФ” кафедраси ассистенти.


■ **Ботир МИРНИГМАТОВ,**  
кафедра катта ўқитувчиси.



Замон ишсиз ва  
ялқов одамларнинг  
беомон душманидир.



**100 YEARS**  
John Deere  
Tractors  
SINCE 1918



# ОДДИЙЛИКДАН - МУРАККАБЛИККА АГРОМАШИНАСОЗЛИК ЯЛОВБАРДОРИ

Давоми, боши ўтган сонларда.

Урушдан кейинги ўн йилликлар компанияя тарихида муҳим из қолдирди. Хусусан, у маҳаллий ишлаб чиқарувчидан халқаро даражадаги компанияяга айланди. 1956 йилга келиб, Мексикада кичикроқ трактор йигувчи яна бир заводнинг қурилиши, Германиядаги трактор-комбайн ишлаб чиқарувчи завод акцияларининг харид қилиниши шулар жумласидандир. Қайд этиш керакки, Жон Дир асос соглан компания йиллар давомида асосий ишлаб чиқариш йўналишини қишлоқ хўжалиги техникалари қаратган бўлса, эндиликда курилиш техникалари бозорига ҳам дадил кира бошлади.

1960 йиллар бошида John Deere дунёнинг турли мамлакатларида ўз фаолиятини кучайтиришга киришди. Жумладан, 1961 йилда Аргентинада трактор ишлаб чиқариш заводини ишга туширди. Шу йили Францияда янгидан куриб битказилган корхонада трактор двигателлари ишлаб чиқарила бошланди. 1977 йилга келиб, Япониянинг Yanmar ишлаб чиқарувчиси билан келишувга эришилиб, кичик ҳажмли John Deere русумдаги тракторларини сотувга чиқарди.

Таъкидлаш жоизки, компания у ёки бу даражадаги молиявий инқирозларга қарши ўзига хос стратегия яратганига қарамасдан, доимо ҳушёрлик ва яна ҳушёрликка эътибор қаратар, (жумладан, “америқача фермерчилик” асносида аграр соҳа техникаларига бўлган талабни

ўрганиш), шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажмини замон ва бозор талабларига мослаштирар эди. Компания асосий дикқат-эътиборни биринчи навбатда, маҳсулот сотилгандан кейинги жараён, яъни уларга техник-сервис хизматларини кўрсатиш, техникаларни лизинг асосида сотиш, кафолат бериш сингари мезонларга қаратарди.

Эндиликда компания деярлик бутун дунё мамлакатларида фаолият кўрсатмоқда. Корпорация корхоналарида 70 минг нафар атрофида турли даражадаги ходимлар меҳнат қилмоқда. Аграр сектордаги инқирозлар туфайли сўнгги йилларда John Deere маҳсулотлари сотув ҳажмида сезиларли пасайишлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, 2014 йил якуни бўйича компания фойдаси 36 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 28,8, кейинги йилда эса 26,6 миллиард доллардан иборат бўлди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий инқирозлар, турли бўхронлар ва бошқа салбий ҳолатларга қарамасдан John Deere аграр машинасозлик соҳасида яловдорликни қўлдан бой бермай келаётir.

**Олим ЭРГАШЕВ тайёрлади.  
Давоми келгуси сонда.**

Файласуф ҳақиқатга ошиқ кишидир. Шунга кўра, ҳар бир ҳақиқатталаб одам маълум даражада файласуфдир.



## ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛГАН ЗАНЖИРЛИ ТРАКТОР: ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

■ Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ, техника фанлари доктори, профессор,  
Исомиддин ТЎЛНОВ, катта илмий ходим (ҚҲМЭИ)

Тракторнинг иш унуми унинг механизмларини бир маромда ишлашига узвий боғлиқ. Бенуқсон трактор деҳқонга мададкор, мавсумий механизациялашган дала ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишда унга тенг келадиган бошқа техника воситаси мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган тракторларни ишга шай ҳолда тутиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуидагиларга амал қилиш тақозо этилади.

### 1. Занжирли тракторларнинг таъмирланган асосий қисмларига қўйиладиган техник талаблар.

- 1.1. Двигатели тақилламасдан ва тутамасдан равон ишласин;
- 1.2. Картер, редукторлар, қувурлар ва баклардан мой ва ёнилғи томчиламасин;
- 1.3. Двигателдаги мой микдори ва босими, радиатордаги суюқлик температураси меъёрида (тирсакли вал деталлари ҳамда кривошип-шатун қисмлари тез едирилмайди, двигатель қизимасдан ишлайди) бўлсин;
- 1.4. Аккумулятор батареяси клеммалари, барча электр контактлари тоза ва пухта бириктирилган бўлсин;
- 1.5. Барча айланувчи механизмлар подшипниклари мойлансан;
- 1.6. Тормоз ва илашиш муфтаси талаблар да-

ражасида ростлансан (ҳаракат хавфсизлиги таъминланади);

Трактор юқоридаги талабларга жавоб берган ҳолда ҳайъат томонидан унга плуг ёки бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини осишига руҳсат берилади.

### 2. Таъмирдан чиқарилган ва ишга тайёрланган занжирли тракторларга қўйиладиган техник талаблар.

**Узел ва деталлардаги нуқсонларни аниқлаш (дефектовка).** Таъмирлашни талаб қилмайдиган (соз), таъмирталаб (носоз) ва бутунлай яроқсиз (брек) детал ваузеллар аниқлансан.

Нуқсонларни бевосита кўздан кечириш (ейилишлар, дарзлар, ёриқлар), кўл билан ишлатиб ёки ўлчаб кўриш (енгил айланиши, силжиш, люфтлар), маҳсус асбоблар ва мосламалар ёрдамида текшириш (масалан, пружиналарнинг эластиклиги, ёнилғи сарфи) ва синаш (масалан, мой насосининг босими) орқали амалга оширилсан.

Дефектовка натижасида керакли эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материалларининг турлари ва микдорлари аниқлансан.

Муқобил ва туман МТПларида ёки маҳсус корхоналарда тикланиши зарур бўлган носоз узел ва деталлар рўйхати тузилсан.

**Двигателни таъмирлаш.** Цилиндрлар блокларидаги тешиклар подшипниклар уялари, резбаларнинг ейилишлари, дарзлар ва ёриқлар тузатилсан.

Носоз поршень, шатун бўйинлари ва шестерня, тирсакли валларнинг маҳовик ва шкивлар ўрнати-

ладиган жойларда ейилган резьбалар таъмирла-  
нади ёки бракка чиқарилади.

Цилиндрлар каллагида учраган носозликлар  
бартараф этилади, бунда клапанлар фаскалари,  
пружиналари ва уялари ҳолатига алоҳида эъти-  
бор қаратилади.

Подшипниклар ўрнатиладиган бўйинларнинг  
овалсимонлиги ва конуссимонлиги, двигателнинг  
турига боғлиқ ҳолда, 0,01-0,02 мм дан, тишли ғил-  
дирак ўрнатилган бўйиннинг ва ўртадаги ўзак бўй-  
инларнинг четки бўйинларга нисбатан уриши 0,03  
мм дан; маҳовик маҳкамланадиган фланецнинг  
охирги чекка нуқталарга нисбатан уриши 0,04 мм  
ошмаслиги; бўйин юзаларининг ғадир-будурлиги  
9-синф даражасидан паст бўлмаслиги; галтел-  
ларнинг радиуслари ва кривошиппнинг радиусла-  
ри техник талабларга мос келиши керак.

Газ тақсимлаш механизимининг толкателлари,  
тақсимлаш валлари, тишли ғилдиракларнинг тех-  
ник ҳолати текширилади, носозликлар тузатилади.

Газ тақсимлаш валининг эгилганлиги марказдан  
четга чиқиши 0,1 мм ортиқ бўлса, у тўғриланади.  
Бунда тақсимлаш валидаги тишли ғилдирак ўрна-  
тиладиган бўйиннинг уриши 0,03 мм дан ошмасли-  
ги лозим.

Таъмирланган тишли ғилдиракларда бошланғич  
айлананинг ва ён томонининг уриши белгиланган  
техник шартлар чегарасидан чиқмаслиги шарт.

*Двигатель маҳсус корхоналардагина мукам-  
мал таъмирлансан.*

Таъмирдан чиқарилган двигателлар кичик юкла-  
ниши остида дастлаб цехларда, сўнгра дала ша-  
роитида чиниқтирилади, аниқланган камчиликлар  
бартараф этилади, тегишли қабул қилиш-текши-  
риш далолатномалари тузилади.

#### Ёнилғи аппаратурасига қўйиладиган талаблар.

- ёнилғи бериш тизимида юқори босим ҳосил қи-  
линсан;
- ёниш камерасига муайян вақтда ёнилғи берил-  
син;
- берилган вақт оралиғи ичидаги муайян жадал-  
лиқда ёнилғи берилсин;
- ҳар қандай юкланишда ҳам двигателнинг бар-  
ча цилиндрларига ёнилғи бир маромда берилиши  
таъминлансан;
- ёнилғи яхши пуркалсан ва ёниш камераси бўй-  
лаб бир текис тақсимлансан.

*Ёнилғи аппарати маҳсус корхоналардагина му-  
каммал таъмирлансан.*

МТПларда эса носоз деталлари созларига ал-  
маштирилсан.

Двигателни сув насоси, радиатор ва вентиля-  
торнинг ейилган деталлари янгилансин, шикаст-  
ланган жойлари тўғрилансан.

Таъмирдан чиқсан сув насоси вентиляторнинг  
парраклари мувозанатлансан, радиатор стенда  
сув билан синаб кўрилсан.

Мойлаш тизими асбоблари (мой насоси, филь-  
трлари, монометрлар) текширилсан, камчиликла-  
ри тузатилсан.

Электр жиҳозлари (магнето, генератор,

стартёр, аккумулятор, симлар ва фаралар)  
фақат ихтисослаштирилган цехларда таъмир-  
лансан.

МТПларда эски жиҳозларни янгиларга ал-  
маштириш бажарилади, холос.

**Транмиссияни таъмирлаш.** Куч узатмасининг  
тишлашиш механизми, узатмалар қутиси, кейинги  
кўприклари ва дифференциаллар шестернялар  
ва валлар таъмирлансан ва чиниқтирилсан.

Техника хавфсизлик қоидалари бажарилиши  
учун занжирли тракторнинг бошқариш механизми,  
тормозлари, рамаси, занжирлари ва орқа кўп-  
риги сифатли таъмирланиши зарур.

**Трактор гидроюритмалари таъмирига қўйи-  
ладиган талаблар.** Ўрнатма ва тиркалма маши-  
наларни бошқариш учун тракторларда алоҳида  
агрегатли гидротизим кўзда тутилади. У насос,  
тақсимлагич, цилиндрлар, бак, мой ўтказгичлар  
ва шланглардан тузилган.

Таъмир вақтида қуйидаги асосий талаблар ба-  
жарилиши зарур:

- халқалар, манжеталар, қистирмалар ва бошқа  
зичламалар янгиланади, чунки уларнинг ишга  
яроқлилик муддати 1,5-2 йилни ташкил қиласди;
- прецизион деталларнинг туташувчи сиртлари-  
да тиранлган, шилинган жойлар ва бошқа нуқсон-  
лар бўлишига рухсат этилмайди;
- шикастланган қистирма, қирқилган резина  
халқаларни ёки уларнинг буралиб кетганларини  
ўрнатиш мумкин эмас;
- букилган болтлар ва резьбасининг учтадан ор-  
тиқ толаси узилган ва чўзилган шпилькалар яроқ-  
сизdir;
- ейилган ҳамма деталлар тикланади, зичлама-  
лар алмаштирилади, клапанли қурилмалар рост-  
ланади;
- пружиналарни ўрамларининг сирти текис ва  
силлик, дарз кетмаган, синмаган ва занглашмаган  
бўлса, таянч учлари эса ясси ҳамда ўққа перпен-  
дикуляр бўлса, пружиналар яроқли ҳисобланади.

#### Бошқариш механизмлари таъмирига қўйила- диган талаблар.

Занжирли тракторнинг бошқариш механизмла-  
рининг барча деталлари пухта маҳкамланган,  
маҳкамловчи деталлар эса стопорланган ҳам бў-  
лиши керак. Дарз кетган, чети синган ёки резьбаси  
шикастланган деталлар алмаштирилиши шарт.



Шарнирларнинг люфти сезиларли (бемалол силжийдиган) бўлса, улар бузилган ҳисобланади. Бошқарув ричагининг умумий люфти заводда белгиланган меъёрдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Занжирли трактор (Т-4А, ВТ-100, ВТ-150, ДТ-75 ва бошқалар) лардаги бурилиш люфтлари ричагларнинг эркин йўли белгиланган меъёрда бўлиши, муфталар эса тўла ажратилиши ва қўшилиши лозим. ДТ-75 тракторида қўёш шестерянинг тормозларини бошқарадиган ричагларнинг эркин (салт) ва тўла йўли, шунингдек, водилоларнинг тормозлари (тўхтатиш тормозлари)ни бошқарадиган педалларнинг тўла йўли нормал бўлиши керак.

Тўхтатиш тормозининг тормозлагандаги (босилган) педали фиксатор ёрдамида маҳкам тутиб туриши лозим.

Барча тракторларда тормозларнинг деталлари соз ва пухта маҳкамланган бўлиши, педали бо- силган тормозлар тракторни тез ва тўла (10 м гача масофада) тўхтатиши, 200 гача қиялиқда тутиб туриши лозим. Тормоз педалларининг тўла йўли белгиланган меъёрда ўрнатилади.

Чап ва ўнг тормозлар бир хил ишлаши, педаллар эса қулф-планка ёрдамида осонлик билан блокировка қилиниши ва қулф ёки тароқ ёрдамида тормозланган ҳолатда тутиб турилиши лозим. Агар ажратилган тормозлар ҳаракат вақтида қизиса, улар бузилган бўлади.

Юриш қисмининг барча деталлари соз ва пухта маҳкамланган бўлиши керак.

Тракторнинг бошқарилиши ва бўйлама турғунлигини ошириш учун балласт юклардан фойдаланилади.

Занжирли тракторнинг занжирларини бир-бира га улайдиган бармоқларининг қулоқчалари узилган ёки ҳаммаси шплантланмаган, меъёрида тарангланмаган, шунингдек, йўналтирувчи ғидраклари, таянч катоклари ва тутқич роликлари қадалиб айланадиган ёки қизийдиган бўлса, бундай тракторлар ишга қўйилмайди.

Дуруст ишлайдиган илашиш муфтаси тўла ажралади (судрамайди), турткисиз (равон) қўшилади, қўшилганидан кейин эса шатаксирамасдан

айланади.

Педалнинг эркин йўли ёки қўшиш кучи ричагда белгиланган меъёрда бўлиши, барча деталлар пухта маҳкамланган, дарз кетмаган ва резьбаси шикастланмаган бўлиши лозим.


Илашиш муфтаси тўла ажратилганда узатмалар қутисидаги барча узатмалар енгил қўшилиши ва ажралиши лозим. Ҳатто агар узатмалардан бири қийин қўшилса ёки ҳаракат вақтида ўз-ўзидан ажралса, трактор бузилган ҳисобланади.

Тиркаш курилмаси ва ўрнатма тизимида барча деталлар дуруст ишлаши ва тракторга қўшилган машина қуролларини ўз-ўзидан ажралиб қолишига йўл қўймаслик лозим.

Тракторга осилган машинанинг ўз-ўзидан кўтарилишига ёки тушишига йўл қўйилмайди. Барча мой ўтказиш кувурлари жипс уланган ва система мой билан яхши тўлатилган бўлиши керак. Қиялиги 12° дан ортиқ бўлган тепаликларда ишлашга мўлжалланган тракторлар креномерлар (қияликни ўлчагичлар) билан жиҳозланади.

Қувват олиш вал(КОВ)лари ҳимоя қопқоқлари билан ёпилади. Тракторда товуш сигнали, ёритиш тизими, бурилишини кўрсаткичлар, тўхташ (стоп)-сигнал, орқани кўрсатувчи ойна, ойна то-залигич ва кабина деразалари соз ҳолда бўлиши лозим. Трактор биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қутичаси ва ўт ўчиргич билан жиҳозланган бўлиши зарур.

Иш жараёнида трактор ва у билан агрегатланиб ишлатилаётган машиналарда содир бўлган носозликни тез бартараф этиш учун энг зарур қалитлар жамланмаси ҳамда гидравлик кўтаргич (домкрат) билан таъминланиши шарт.



## 1-илюва Мажбурий

**Қишлоқ хўжалик тракторларининг алоҳида таъмирдан чиқарилаётган асосий таркибий қисмларининг рўйхати ва бутланганлиги**

Узатмалар қутиси - йиғилган ҳолда;  
Буровчи моментни оширгич - йиғилган ҳолда;  
Етакчи кўприк - йиғилган ҳолда;  
Тарқатиш қутиси - йиғилган ҳолда;  
Кардан узатмаси оралиқ таянчи билан - йиғилган ҳолда;  
Гусеница араваси - йиғилган ҳолда (жамланма);  
Каретка осмаси билан - йиғилган ҳолда (жамланма);  
Тутиб турувчи роликлар - йиғилган ҳолда (жамланма);  
Етакчи ғидрак (йўналтирувчи) - йиғилган ҳолда;

Гусеница - йиғилган ҳолда (жамланма);  
Рама - (ярим рама) - йиғилган ҳолда;  
Олдинги ўқ - йиғилган ҳолда;  
Сув радиатори (мой) - йиғилган ҳолда;  
Руль бошқаруви гидравлик кучайтиргичи (сервомеханизми) - йиғилган ҳолда;  
Шестерняли насос - йиғилган ҳолда;  
Гидроцилиндр - йиғилган ҳолда;  
Гидравлик тақсимлагич - йиғилган ҳолда;  
Илашиш оғирлигини гидравлик кучайтиргич - йиғилган ҳолда;  
Позицион (куч) регулятори (гидравлик) - йиғилган ҳолда;  
Аккумуляторлар батареяси - йиғилган ҳолда (жамланма);  
Реле-регулятор - йиғилган ҳолда.

## 2-илова

## Маълумот учун

ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАР ВА ТРАКТОР ТАЪМИР ТАЛАБЛИГИ ЧЕГАРАСИНИ  
АНИҚЛОВЧИЛАРИНИНГ НОМЛАРИ

Тракторнинг тури	Таркибий қисмлари	
	Асосийлари	Қўшимчалари
Занжирли трансмиссиясининг алоҳида агрегатлари билан	Мотор Узатмалар қутиси Орқа кўприк охирги узатмалари билан	Осма Рама Кабина йигилган ҳолда
Занжирли “узатмалар қутиси-орқа кўприк” моноблоки билан	Мотор Моноблок “узатмалар қутиси-орқа кўприк” охирги узатмалари билан	Осма Рама Кабина йигилган ҳолда Гидротрансформатор

3-илова  
Мажбурий

## Кафолат талонининг формаси

Таъмирлаш корхонасининг номи

Таъмирлаш корхонасининг манзили

## КАФОЛАТ ТАЛОНИ

Тракторнинг,таркибий қисмнинг номи

Таъмирлаш корхонасининг рўйхатга олиш тизимида тракторнинг,таркибий қисмнинг тартиб раками ГОСТ 18524-85 ва асосий таъмир техник талабларига тўлиқ жавоб беради.

Трактор(таркибий қисмларига)дан фойдаланишинг кафолатланган муддати-ишга туширилгандан бошлаб 2400 мото-саатдан кўп ишламаган ҳолда -18 ой. Таъмирланган дизель двигателларига кафолат муддати -ГОСТ 18523-79 бўйича.

Тракторнинг,таркибий қисмнинг номи

М.Ў.

ТНБ(ОТК) бошлиғи\_\_\_\_\_

И.Ш.Ф.,имзо,санаси

Буюргачи вакили\_\_\_\_\_

И.Ш.Ф.,имзо,санаси

Фойдаланишга туширилган вақти\_\_\_\_\_

И.Ш.Ф.,имзо,санаси

М.Ў.

Бош мухандис\_\_\_\_\_

И.Ш.Ф.,имзо,санаси

## 4-илова

## Мажбурий

Трактор (таркибий қисми) ни  
acosий таъмирдан чиқарилб топширишнинг  
№ \_\_\_\_ сонли Д А Л О Л А Т Н О М А С И

201\_ йилнинг \_\_\_\_\_


Ушбу далолатнома тузилди  
таъмирлаш ташкилотининг ёки алмаштириш пунктининг номи, мансаби, исми шарифи  
бир томондан ва\_\_\_\_\_хўжалик ёки алмаштириш пунктининг номи, мансаби, исми шарифи  
нинг вакили 201\_ йилнинг \_\_\_\_\_ да берилган № \_\_\_\_ ракамли ишончномага кўра  
иккинчи томондан шу ҳақдаким, трактор(унинг таркибий қисми)acosий таъмирдан чиқарилиб  
топширилди.

Номи	Маркаси	Номери		Тракторлар (таркибий қисмлар)нинг сони(сўз билан)
		шассисининг	двигателининг	

Илова. Формуляр кафолат талони билан (кафолат талони).

М.Ў. Бажарувчининг вакили\_\_\_\_\_  
(имзо)  
Буюргачининг вакили\_\_\_\_\_  
(имзо)

## Ақл өзархы



(Давоми.  
Боши аевалғы сонда).

**ТАБАССУМ ҚИЛ**  
**Т**абассум инсоннинг ўзига хос эътирофидир. “Сиз мен учун жудаям ёқимлисиз. Сизни кўриб турганимдан ниҳоятда баҳтиёрман”, деган сўзлар унсиз ром қиласди.

Самимиётдан йироқ кулгу, тиржайишлар, пичинг, ҳақорат, мазах қилиш даражасидаги қаллобликдан ўзга нарса эмас. Одатда, бундай феъл-атворни ўзининг баҳил, кўра олмаслик, ғирт нодонлигини яшириш, никоблаш эвазига ҳамма жойда ҳозир-у нозир калтабин кишиларни учратиш мумкин.

Нью-Йоркдаги универсал дўйкон мудирининг айтишича, у юзлари хўмрайиб турувчи фалсафа докторидан кўра, мактабни тугалламаган бўлса ҳам ёқимли жилмая оладиган қизни сотувчи қилиб олиш – минг бора манфаатлироқдир.

АҚШдаги катта компаниялардан бирининг бошлиғи шундай деган: “Агар одам ўзига муносиб иш билан шуғулланмаса, унинг иши камдан-кам ҳолларда ўнгидан келади. Мен ўз ишини ҳузур қилиб бажариш туфайлигина иши ўнгидан келган одамларни билардим.

Бу одамларни кейинчалик қайта ишга ёлланиб келганларини ҳам кўрдим. Иш дастлаб уларга зерикарли туюла бошлади. Кейинчалик улар ишга бўлган қизиқишлигини йўқотдилар”.

Июль 2018 г. | #07 | НАУЧНО-ПРАКТИЧЕ

# ТАБАССУРОТ ВА ТАФСИЛОТ

Агар одамлар сиз билан сухбатлашганларида ҳузур қилишни истасангиз, ўзингиз улар сухбатидан ҳузур қилмоғингиз лозим.

**ЮРИНГ, БИЗНИКИГА...**  
**Э**ндрю Карнегини нега “пўлат қироли” деб аташади? Аслида унинг ўзи пўлат ишлаб чиқариш тўғрисида ҳеч нарса билмасди. Аммо унинг улкан корхонасида пўлат ишлаб чиқариш ҳақида ундан кўпроқ биладиган юзлаб одамлар ишларди.

Одамлар билан муомала қилиш борасида эса унга тенг келадиган киши деярли йўқ эди. Ҳудди мана фазилат уни бадавлат қилди. У ўзининг ташкилотчилик ва раҳбарлик исhteъододини анча эрта намойиш қила бошлади. У одамларнинг ўз исмларига катта аҳамият беришларини сезиб, бундан уларни ўз томонига оғдириб олиш учун ишлата бошлади. Кўп йиллар ўтиб машхур карчалон бўлишга эришди.

У Пенсильвания темир йўлларига пўлат рельсларни сотмоқчи бўлди. Ўша вақтда темир йўл эгаси Ж.Эдгар Пульман эди.

Э.Карнеги ва Ж.Пулман ўртасида вагон куриш учун кураш кетганида “пўлат қироли” Пульман билан учрашиб, унга мурожаат қиласди: “Хайрли кеч, жаноб Пульман. Сизнингча, иккимиз аҳмоқона йўл тутмаяпмизми?”

“Нимани назарда тутяпсиз?” сўрайди Пульман. Шунда Карнеги иккала корхонани қўшиб, ундан келадиган фойдани аниқ ҳисоб-китоб қилиб беради.

Пульман диққат билан эшилади, лекин Карнеги уни тўлиқ ишонтира олмайди.

Сўнг Пульман Карнегидан “Янги компания номини Сиз қандай атаган бўлардингиз?” деб сўрайди. У шу заҳотиёқ “Албатта, люкс-вагон тайёрловчи Пульман компанияси, деб аталади-да” деб жавоб беради.

Пульман “Қани, меникига юринг, буни бафуржка гаплашиб оламиз” дейди.

Бу мулоқот Америкада саноат тараққиёти тарихида янги даврни бошлаб беради.

Эндрю Карнегида ўз дўстлари ва иш борасидаги шерикларининг исмларини эсида сақлаб қолиш ва уларни тўғри аташ одати бор эди. Бу унинг раҳбарлик сирларидан биттасидир. У ўз ишчиларидан кўпчилигининг исмини аита олиши ва шу тифайли корхонасида бирор марта ҳам иш ташлаш бўлмаганидан фархланарди.

**Дейл Карнегининг  
“Қалб ҳаловат топмаса”  
китобидан.**

(Давоми кейинги сонда).

■ Сайд ОЛИМОВ  
тайёрлади.

# ИМТИЁЗЛАР

## САМАРА КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишили қарори билан “Бухоро-Агро” ЭИЗ ташкил этилмоқда. Norma.uz қайд этишича, қуийдагилар “Бухоро-Агро” эркин иқтисодий зонасининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланган:

- замонавий иссиқхона хўжаликларини, жумладан, гидропоника технологияларини қўллаган ҳолда, кластер усули асосида ташкил этиш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб этиш, шунингдек, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар қуриш учун конструкциялар, жиҳозлар ва бошқа бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- худуднинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳи-тидан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ишлашни чуқурлаштириш ва уларнинг экспорт хажмини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг уруғдан то маҳсулотни бозорга етказиб беришгача бўлган тўлиқ жараёнини ташкил этишни рафбатлантириш;
- кўчатзорлар, шунингдек, бирламчи уруғчиликни ташкил этиш учун шароитлар яратиш орқали иссиқхона хўжаликларини талаби катта, юқори ҳосилдорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғ ва кўчатлари билан таъминлашнинг самарали механизmlарини жорий этиш;
- логистика хизматлари кўрсатишнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш субъектларига улар томонидан этиштирилган маҳсулотлар экспортини ташкил этишда кўмаклашиб;

- иссиқхона хўжаликларини ташкил этишда замонавий ресурс тежовчи технологияларни, муқобил иссиқлик энергиялардан фойдаланишини кенг жорий этиш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг хуносалари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

- иссиқхона хўжаликлари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, жумладан, улар томонидан “Бухоро-агро” ЭИЗ худудида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташда иштирок этиш.

“Бухоро-агро” ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати у ташкил этилган кундан бошлаб, мазкур муддатни кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қиласди. “Бухоро-агро” ЭИЗ иштирокчиси мақоми Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг қарори билан берилади.

“Бухоро-агро” ЭИЗ қатнашчиларига Президентнинг 26.10.2016 йилдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармонида назарда

тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари татбиқ этилади.

“Бухоро-агро” ЭИЗ худудида ташкил этилган корхоналарга Президентнинг 6.01.2017 йилдаги “Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2718-сон қарорида белгиланған кредитлар тақдим этиш тартиби ва шартлари татбиқ этилади.

Мазкур қарор доирасида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва “Асака” АТБ томонидан инвестиция лойиҳаларини биргалиқда молиялаштириш учун 300 млрд. сўмдан бўлган миқдордаги кредит линиялари очилди.

**Ушбу кредит линиялари доирасида хорижий валютадаги кредитлар қўйидаги шартларда тақдим этилади:**

- кредит озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатидаги инвестиция лойиҳалари доирасида фақат замонавий импорт асбобускуналар, технологиялар ва материалларни харид қилиш учун тақдим этилади;
- кредит 2 йиллик имтиёзли давр, 6 ойлик ЛИБОР ставкаси ва йиллик 1,0% ҳамда қайта молиялаштирувчи банкнинг йиллик 1,0% миқдоридаги маржасига тенг бўлган фоиз ставкаси билан 7 йилгача муддатга тақдим этилади;
- кредит линиялари доирасида молиялаштирилиши назарда тутилаётган озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатидаги инвестиция

*Хеч бир иш ғайрат ва  
жасоратсиз бўлмайди, аммо  
жойида ишлатилмаган ғайрат ва  
жасоратдан маъно ўйқ.*



loyiҳalari tarmoq Ilmий-tehnika kengashiда majburiy ekspertizadan utkaziladi.

“Бухоро-агро” ЭИЗ худудида яратиладиган замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш бўйича ишга жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун кириш визаларини консуллик ҳамда бошқа йигимларни ундириласдан расмийлаштиришда, шунингдек Ўзбекистон худудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар беришда (муддатини узайтиришда) кўмак берилади. Маҳаллий тадбиркорларга ишлаш мақсадида республикага хорижий мутахассисларни жалб этиш учун руҳсатнома олишда ёрдам берилади.

Икки ой муддатда замонавий энергия тежовчи иссиқхона комплексларини (иссиқхоналарни) улар жойлашган ҳудуднинг (жойнинг) ўзига хос хусусиятларидан, иссиқхонанинг ихтисослашувидан ҳамда иссиқхона хўжалиги самарадорлигига таъсир этувчи бошқа омиллардан келиб чиқсан ҳолда мақбул шароитларда ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ҳамда инновацион ишланмаларни рафбатлантириш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги илғор тажрибаси асосида мутахассисларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чоралари кўрилади.

## ТРАКТОР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЯНА БИР КОРХОНА

Россия Федерацияси тракторсозлик заводининг Ўзбекистондаги дилери Road Building Techniques корхонаси Тошкентда B10M булдозерини йиғишини бошлади.

Ўзаро келишувга кўра, корхона йил давомида Челябинск трактор заводи тракторларининг бутун бошли партиясини йиғишини бошлайди. Шартномага кўра икки турдаги механик трансмиссияли B10M ва T10MB тракторлари тайёрланади.

